

**Декабр ойининг 4 хафтаси.**  
**Мавзу: “Зумрад қиш”.**

|                                 |                                                          |                                                                                                                                                                                                                                    |                                                     |                |                                                                                       |                                |                                                                                                  |
|---------------------------------|----------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------|----------------|---------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Гуруҳ                           |                                                          | катта                                                                                                                                                                                                                              |                                                     |                |                                                                                       |                                |                                                                                                  |
| Мавзу                           |                                                          | Байрамона “Янги йил”                                                                                                                                                                                                               |                                                     |                |                                                                                       |                                |                                                                                                  |
| Даври                           |                                                          | Декабр ойининг 4 хафтаси                                                                                                                                                                                                           |                                                     |                |                                                                                       |                                |                                                                                                  |
| Ривожланиш соҳаси бўйича мақсад | Жисмоний ривожланиш ва оғлом турмуш тарзини шакллантириш | Турли усуллар билан юриш, тиззани баланд кўтарган ҳолда югуриш, майда ва катта қадамлар билан югуриш, коптокни ерга отиш ва йкки қўл билан бир неча марта такрор тутиб олиш малакаларини ривожлантиришда давом этиш.               |                                                     |                |                                                                                       |                                |                                                                                                  |
|                                 | Ижтимоий – ҳиссий ривожлантириш                          | Ўз хисларини ифодалашни назорат этишга, ўз хиссий ҳолатини баён этишга ўргатиш.                                                                                                                                                    |                                                     |                |                                                                                       |                                |                                                                                                  |
|                                 | Ўқуш, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари                   | Болаларнинг “Янги йил” байрами ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Болалар луғатини янги сўзлар билан оғзаки иборалар билан бойитиш, кўрганларига нисбатан бўлган муносабатни ифодалган ҳолда расмлар асосида хикоя қилишга ўргатиш. |                                                     |                |                                                                                       |                                |                                                                                                  |
|                                 | Ақлий билишни ривожлантириш                              | Болаларда атроф – олам ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш. Болаларни “Янги йил” анъаналари, дунёнинг бошқа мамлакатларида “Янги йил” нинг нишонланиши билан таништириш.                                                          |                                                     |                |                                                                                       |                                |                                                                                                  |
|                                 | Ижодий ривожланиш                                        | Қўшиқ қуйлаш, рақсга тушиш, расм чизишда фаол иштирок этишга бўлган қизиқиши ва интилишини тарбиялаш. Мусиқий идрокни таниш асарларни қуйига кўра эсда олиб қолиш ва фарқлаш кўникмаларини ривожлантириш.                          |                                                     |                |                                                                                       |                                |                                                                                                  |
| Ривожланиш марказлари           |                                                          | Ривожланиш марказлари                                                                                                                                                                                                              |                                                     |                |                                                                                       |                                |                                                                                                  |
|                                 |                                                          | Душанба                                                                                                                                                                                                                            | Сешанба                                             | Чоршанба       | Пайшанба                                                                              | Жума                           | Ресурслар жихозлар                                                                               |
| Муштақил фаолият                | Қурилиш ва конструктор ўйинлар математик мавзулар        | Гуруҳдаги арча учун ўйинчоқлар ясаш.                                                                                                                                                                                               |                                                     |                | “Машина ясаймиз” (йирик леголар билан)                                                |                                | Қоғоз, елим, қайчи, йирик леголар тўплами                                                        |
|                                 | Сюжет – ролли ўйинлар ва драммалаштириш маркази          | “Оилада Янги йил”                                                                                                                                                                                                                  |                                                     | “Арча байрами” |                                                                                       |                                | Мавзуга оид жихозлар (оила)                                                                      |
|                                 | Гил ва нутқ маркази                                      | “Биз арча байрамига тайёрландик” расм асосида хикоя                                                                                                                                                                                |                                                     |                |                                                                                       | Мусиқа залидаги арчани кузатиш | Мавзуга мос расмлар, “Янги йил яқинлашмоқда”.                                                    |
|                                 | Илм – фан ва табиат маркази                              |                                                                                                                                                                                                                                    |                                                     |                | Ғабий қайрағоч дарахтининг шоҳи ва гулдасидан ҳосил бўлган гулдастани кўздан кечириш. |                                | Ғабий қайрағоч ёки қарағай шоҳларидан гулдаста                                                   |
|                                 | Санъат маркази                                           | Қор парчаларини қоғоздан кесиш                                                                                                                                                                                                     | Ўрмон ҳайвонлари “Арча байрамига келишди” (лой иши) |                | “Бизнинг арча” мавзусида расм чизиш.                                                  |                                | Ақварел бўёқлари қоғоз, қаламлар, мойқалам, салфетка, пластилин, қайчи, оқ ва ҳаворанг қоғозлар. |
|                                 | Умумий гуруҳ бўлиб яшаш                                  |                                                                                                                                                                                                                                    |                                                     |                |                                                                                       |                                |                                                                                                  |

## *Декабр 4- хафта*

### “Янги йил байрами”

#### Курилиш конструкторлаш маркази, математика

#### **“Турохга арча ўйинчоқларини яшаш”**

**Мақсад:** Болаларнинг Янги йил байрами ҳақидаги билимлари кенгайиб боради, болаларнинг луғати янги

сўзлар билан тўлдирилади. Нутқнинг грамматик тузилиши ривожланади.

**Керакли жихоз ва материаллар:** Қоғоз, фалга, елим, қайчи, лево, мавзуга оид расмлар.

#### **Фаолиятни бориши:**

1. Расмларни кўриш.
2. Байрамларни бир – биридан фарқлай олиш.
3. Курилиш материалларидан арча яшаш.
4. Нима учун арча дарахти катта ва кичик эканлиги ҳақида тушунча эга қилиш.

**Қўшимча қисм:** Болалар билан арча ўйинчоқларини яшаш.

#### **Эътиборга молик жихати.**

Болаларни жамоада ишлаш қобилиятини ривожлантириш.

Ижодий қобилиятини тасаввурини ривожлантириш.

#### Сюжетли ролли ўйинлар ва драммалаш.

#### **“Оилада Янги йил байрами.”**

**Мақсад:** Оилада Янги йил байрами ҳақида тақдирот. Болаларнинг нутқи, ижодкорлиги ривожланади.

**Керакли жихоз ва материаллар:** Безатилган арча ўйинчоқлари, мусиқа, кутича турли хил совғалар билан.

#### **Фаолиятни бориши:**

1. Оилада Янги йил мавзусидаги анъаналарни ўргатиш.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Болалар арчани безатиш учун буюмларни танлайдилар.
4. Болалар арчани безайдилар.

**Қўшимча қисм:** Оилавий арча атрофида қўл ушлашиб айланиш.

#### **Эътиборга молик жихати:**

Жамоа бўлиб ҳаракатланишни умумий натижага эришишни тарбиялаш.

#### Нутқ ва тил маркази

#### **“Янги йил” арчасига қандай тайёргарлик кўрдик.**

**Мақсад:** Болалар мустақил хикоя қилишга ўрганади. Сухбатлашишга оид нутқи ривожланади.

**Керакли жихоз ва материаллар:** “Янги йил “ байрами тасвирланган карточкалар

#### **Фаолиятни бориши:**

1. Мавзу асосида расмларни кўриб чиқиш
2. Расмлар асосида сухбатлашиш.
3. Болалар луғатини бойитиш.

**Қўшимча қисм:** Тарбиячи болаларга жамоа бўлиб, 3-4- карточка асосида хикоя ёки эртак гузишни таклиф

қилиши мумкин.

#### **Эътиборга молик жихати:**

Болалардаги оғзаки нутқни ривожлантириш.

#### Санъат маркази

#### **“Қор парчаси”(қоғоздан)**

**Мақсад:** Болалар катталаштирилган квадрат қоғоздан қор парчасини қандай кесиб олишни ўрганишади.

**Керакли жихоз ва материаллар:** Ёрқин рангли қоғозлар, қайчи, елим, салфеткалар.

**Фаолиятни бориши:**

1. Тайёр қирқилган қор парчасини кўриш.
2. Ишнинг босқичлари билан танишиш.
3. Болалар ишлари ва уларни рағбатлантириш.

**Қўшимча қисм:** Болаларга катта ва кичик қор парчаларини тайёрлашни таклиф қилиш.

**Эътиборга молик жихати:**

Болаларнинг ижодий фикрларни кўллаб – қувватлаш ва мустақил ижодкорлигини ривожлантириш. Д/Ў:

“Кам кўп”

Сюжетли ролли ўйинлар ва драммалаш.

**“Янги йил” байрами.**

**Мақсад:** Байрамона мухит яратади, болаларнинг “Янги йил” ҳақидаги билимлари кенгаяди.

**Керакли жихоз ва материаллар:** Сунъий арча, герлянд, маскалар, совға солинган қутилар. Мавзуга оид расмлар.

**Фаолиятни бориши:**

1. “Янги йил” базми тасвирланган расм устида тарбиячи ёрдамида суҳбат олиб бориш.
2. Болалар билан эртак қаҳрамонларини танлаш.
3. Маскаларни танлаш.

**Қўшимча қисм:** Эртақлардаги ўзингизнинг “Янги йил” қаҳрамонингизни яратинг.

**Эътиборга молик жихати:**

Нутқнинг мазмунинга эътибор қаратиш.

Нутқ ва тил маркази

**Суҳбат. “Янги йил” арчаси.**

**Мақсад:** Болалар расм орқали мустақил хикоя туза олишади. Оғзаки нутқи ривожланади.

**Керакли жихоз ва материаллар:** “Янги йил” байрами тасвирланган расмлар ва карточкалар, “Қишки

ландшафт” асарлари, шеърлар тўплами, хикоялар.

**Фаолиятни бориши:**

1. Мавзу асосида расмларни кўриб чиқиш
2. Расмлар асосида суҳбатлашиш.
3. Болалар луғатини бойитиш.
4. Карточкалар орқали 3-4 тадан иборат қисқа гаплар тузиш.

**Қўшимча қисм:** Тарбиячи болаларга 3-4 карточка асосида хикоя ёки эртак тузишни таклиф қилиши мумкин.

Д/Ў: “Сўзни тугат”.

**Эътиборга молик жихати:**

Улар суҳбат давомида бир – бирлани тинглай олишадими?

Санъат маркази

**“Ўрмонлагги хайвонлар “Янги йил” базмини нишонлаш учун келишди.” Лой иши**

**Мақсад:** Оддийгина эскизларни моделлаштиришга ўрганади. Бир бўлак лойдан ўрмон қаҳрамонларини тўғри яшаш малакаси шаклланади.

**Керакли жихоз ва материаллар:** Мавзуга оид расмлар, салфеткалар, тахтача, пластилин, турли ўрмон

хайвонларининг хайкалчалари.

**Фаолиятни бориши:**

1. Ўрмон хайвонлари хайкалларини тасвирлаш.

2. Ишнинг босқичлари билан танишиш.
3. Болаларни ишларини ва уларни рағбатлантириш.

**Қўшимча қисм:** Болалар асарларининг кўргазмасини ташкил қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати.**

Ясаган ишларини тагликка тўғри ўрнатиш малакаларини ошириш, иш жойларида тоза, озода ва гартибли

ишлашларини кузатиш.

#### Санъат маркази

**“Бизнинг баланд арчамиз.” Расм.**

**Мақсад:** Чиройли, баланд арчани расмда акс эттиради, Қоғоз марказига тўғри жойлаштиради.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** Қоғоз, акварел бўйоқлари, гуаш, салфетка, оддий қаламлар.

Мавзуга оид

расмлар.

**Фаолиятни бориши:**

1. Болалар янги йил фотосуъратларни томоша қилишади.
2. Болалар мустақил равишда ўзлари учун сюжет танлайдилар..
3. Болалар ижодий фаолияти..

**Қўшимча қисм:** Тарбиячи арча ҳақида шеър ёд олдириши мумкин. Д/Ў: “Қандай, қанақа, қаерда?”

**Эътиборга молик жиҳати.**

Чизмаларини таҳлил қилиш, болаларнинг мустақил ижодкорлигини ривожлантириш. Кичик қўл маторикасини

ривожлантириш.

#### Қурилиш конструкторлаш маркази, математика

**“Катта леголар орқали “Машина” қуриш”**

**Мақсад:** Катта леголардан фойдаланиб “Машина” ясашни ўрганишади. Геометрик шаклларни фарқлаш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** Катта хажмдаги леголар.

**Фаолиятни бориши:**

1. Катталикларни ҳисобга олиш.
2. Дикқат ва хотирани ривожлантириш.

**Қўшимча қисм:** Автомобиллар учун легодан фойдаланиб йўлаклар қуришни таклиф этиш..

**Эътиборга молик жиҳати.**

Фикрлаш доирасини кенгайтириш. Жамоа бўлиб ишлаш, маъсулият хиссини тарбиялаш.

#### Фан ва табиат маркази

**Арча шохлари ва ёнғоқчаларни кузатиш.**

**Мақсад:** Арча шохлари ва ёнғоқчаларини фарқлай олади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** Қарағай ёки арча шохлари ва ёнғоқчалар, расмлар.

**Фаолиятни бориши:**

1. Арча шохлари ва ёнғоқчаларини кузатиш.
2. Мавзу бўйича расмларни кўриб чиқиш.
3. Арча дарахтини тасвирлаш ва уни бошқа дарахтлар билан солиштириш.
4. Табиат марказида суҳбат олиб бориш.

**Қўшимча қисм:** Ўтказилган мавзуларни мустаҳкамлаш. Арча ёнғоқчаларидан арча ўйинчоғини яшаш.

**Эътиборга молик жиҳати.**

Керакли маълумотни мустақил равишда излаш.

#### Муסיқа ва ритм маркази:

**“Янги йил байрами хақида қўши ва рақсларни ижро этиш.”**